



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ КҲАБРИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
26 май
ШАНБА

№ 43
(11.950)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Сўнги кўнғирок



Оқ йўл сизга, келажак ворислари!

Сўнги кўнғирокнинг жарангдор овози неча-неча ёш қалбларни ҳаяжонга солмаган дейсиз. Мактаб узра кўнғирок янграб экан, ҳар бир ўқувчи, қолаверса, катталарнинг кўнғилида шу азиз даргоҳда кечган илқ хотиралар гавдаланади. Зеро, бу аънавий садолар остида неча минглаб ўғил-қизлар катта ҳаёт сари қадам қўйишади.

Кеча мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида сўнги кўнғирок чалиниб, яна бир ўқув йилига якун ясалди. Ўғил-қизларнинг кўнғилида шу азиз даргоҳда кечган илқ хотиралар гавдаланади. Зеро, бу аънавий садолар остида неча минглаб ўғил-қизлар катта ҳаёт сари қадам қўйишади.

Кеча мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида сўнги кўнғирок чалиниб, яна бир ўқув йилига якун ясалди. Ўғил-қизларнинг кўнғилида шу азиз даргоҳда кечган илқ хотиралар гавдаланади. Зеро, бу аънавий садолар остида неча минглаб ўғил-қизлар катта ҳаёт сари қадам қўйишади.

навий ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт ашёлари билан таъминлаш учун 10 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Касб-хунар коллежлари фаолиятига катта эътибор қаратилганлиги ҳам «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижроси самарасидир. Хусусан, ҳозир вилоятда 76 та касб-хунар коллежи бўлиб, 2007-2008 ўқув йилида яна 16 йўналишда 11 та касб-хунар коллежи қуриб битказилиши ва ишга туширилиши режалаштирилган. Уларда 9-синф битирувчиларидан 30 мингдан зиёд ёш таълим олади.

Уларга устозлари берган ҳар бир сабақ, панду насиҳатлар эзгу ишлар ва оқсак мақсадлар сари етаклашга умид боғлаймиз.

Оқ йўл сизга, келажак ворислари!

Саид ҲАСАНОВ.



СУРАТЛАРДА:

Тошкент туманидаги 9- ва 17-умумтаълим мактабларида ўтган сўнги кўнғирок тадбирларидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ

«Ўзбекистон» нашриётида Президент Ислам Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир» деб номланган китоби чоп этилди.

Ушбу тўпладан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Мақамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва қўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

Айни пайтда 2007 йил ва яқин келгусида иқтисодий-ижтимоий соҳада амалга оширилиши мўлжалланган мақсад ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд барча омил ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, халқ-бери ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, бошлаган ижобий ишларимизни изчиллик ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу эзгу мақсадларга эришиш ҳақида сўз юритар экан, олдимизда турган кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартлари сифатида Президентимиз қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Биринчидан, ана шу дастурий вазифаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Давлат раҳбаридан тортиб ҳар бир фуқарога ҳам ҳаётга жорий қилиниши ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиш, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.


Иккинчидан, қўзлаган марраларимизга етиш учун шу юрда шайбатган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон

ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улугвор мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, санъат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва оқойишта ҳаётимиз посбонлари бўлмиш ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар бир юрдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишни талаб қилади.

Учинчидан, шу муқаддас заминда биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва фидойилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Тўртинчидан, биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладими — қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Лекин, бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мактанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам ҳолисона тан олиб, улардан тегishi сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқ қорани, дўсту душмани ақратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳануз сақланиб қолётган ҳавф-хатарларга очик кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охири-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддolariмизга эришимиз шарт.



Бешинчидан, бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину дённатимизни кўз қорачиғида асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла оламизми?» деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Муҳтасар қилиб айтганда, ушбу тўплада чуқур асослаб берилган концептуал ёндашув ва қарашлар, амалий фикр ва хулосаларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислохотларни амалга ошириш дастури, десак, ҳар томонлама тўри бўлади. Ушбу дастурдан бугунги жамиятимизнинг барча жабҳа ва қатламларида меҳнат қиладиган юрдошларимиз, бутун халқимиз ўзининг орзу-интилишлари, ҳаётини манфаатлари билан боғлиқ қўллаб-қувватлашга жавоб топиши муқаррар.

Ў.А.

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Зангиота туманида Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадий хотира кечаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот ҳамада Ахборот-ресурс марказлари туман бўлимлари, Қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи жамоаси томонидан ташкил этилган кечада Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Баҳодир Карим ҳамда Абдулла Қаҳҳор уй-музеи раҳбари Нодира Жалолова иштирок этди.

Кечада сўзга чиққан но-тиқлар ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муно-сиб ҳисса қўшган атоқли адабнинг ҳаёти ва фаоли-ти хусусида иштирокчилар-га сўзлаб беришди. Шоир-нинг умр ва ижод йўлига ба-ғишланган фильм намойиш этилди.

Жамила АРСЛОНОВА.

«ЎЗБЕКИСТОН КЎП МИЛЛАТЛИ ОИЛА»

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданок Республика Президенти ва ҳукумати томонидан мамлакатда халқаро алоқаларни ҳамда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувини янада кенгайтиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўртбошимиз бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига юксак баҳо бериб, шундай деган эди: «Мамлакатимиз катта бо-лиқлик эга. Бирок, бизнинг энг катта бойлигимиз жамиятимизда ҳўкм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик ва чинакам дўстлик муҳити».

Шу нуқтаи назардан қара-ганда, Халқаро оила кўниги мамлакатимиздаги диплома-тия корпуси, халқаро таш-килотлар ва вилоят вакил-ларининг оилавий давраси-да тантанали нишонлаш жуда муҳим ва энг яхши ан-аналардан бири дейиш му-кин. Чўнки, бундай ибратли тадбир дўстона маданий ало-қаларни кенгайтирибгина қолмай, кўп миллатли Ўзе-бистонимизнинг бирдамлик, ҳўр фикрлилик ва тинчлик-ка, бутун жаҳон ҳамжамия-ти учун ўта муҳим ҳисоблан-ган оила институтини муста-ҳкамлашга бўлган қатъий ин-тилиш амалда намойиш этиш имконини беради.

Ана шу эзгу мақсадларни кўзлаб, кеча вилоят ҳоким-лигида Халқаро оила кўнига бағишланган «Ўзбекистон — кўп миллатли оила» мавзу-сида тантанали маросим ўтказилди. Вилоят ҳоким-лиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Хандўстлик» клуби томонидан уюштирилган байрам тадбирида Ўзбекис-тонда аккредитация қилин-

бекистон халқлари ҳамда жа-ҳон ҳамжамияти томонидан яратилган маънавий-маданий бойлик ва қадриятларни кенг омаллаштиришди.

Байрам маросимини вилоят ҳокими вазифасини ба-жарувчи Зиёвуддин Ниёзов кўриш сўзи билан очди.

Вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш-га қаратилган амалий тад-бирлар изчил ўтказиш бо-рилмоқда, — деди З. Ниё-зов. — Шўнингдек, вилоят-мизда истиқомат қиладиган барча миллат вакиллари ўз она тилларида таълим олиш, миллий қадрият ва аънаъ-ларини ривожлантириш им-кониятларига эгалар.

Шўндан сўнг маросимнинг бадий қисми бошланди. Иштирокчилар миллий ли-бослар, лойдан ҳамда ёғоч-



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲОРМАНГ, ПИЛЛАКОРЛАР!

Айни кунларда мамлакатимизда давлатга пилла топириш мавсуми бошланди.

Улар меҳнатини шарафлаш, маънавий ҳордиқ чўқаришлари учун шариот яратиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси пиллакорлар ҳўзурида бўлиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Навбатдаги шўндай тадбир Уртачирчк тумани бош пилла-хонасида бўлиб ўтди. Унда эл севган санъ-аткорлар, шоирлар, ёзувчилар, маънавият та-риббўтчилари, фаҳрий пиллакорлар ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Таниқ-ли хонанда ва созандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, ижодкорлар билан эркин, самими-й сўхбатлар пиллакорларга хўш кайфият бахш этди.

— 1976 йилдан бўён ипак кўрти боқман, — дейди «Роватак» фермер ҳўжалиги пилла-кори Ҳалима ая Жўманова. — Бу касбнинг сир-ларини келинларимга ва қизларимга ҳам ўргатганман. Эндиликда меннинг ишимни улар давом эттиришяпти. Йил сайин «кумуш тола» хирмонимиз юксалиб боришда мана шўн-дай учрашувларнинг ўрни бўлака.

Ханифа ЗОКИРОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

ЭСКИ МАКТАБ ЎРНИДА ЯНГИСИ

Зангиота туманидаги 7-умумтаълим мактаби умум-миллий давлат дастурига мувофиқ янгидан бунёд этиляпти. Таълим муассасасининг эскирган қисми ўрнида 2 қаватли замонавий бино қурилади.

Айни кунда бу ерда ички пардозлаш ишлари якунланмоқда. Қурилиш-монтаж ишларини «Турон Саркор» масъулияти чек-ланган жамияти бажармоқ-

да. Мактаб янги ўқув йи-лидан ўқувчиларни ўз ба-рига олади.

Сабрина ЗОКИРОВА, академик лицей талабаси.

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Ангрен шаҳрида Ижтимоий ҳўмия йили муносаба-ти билан ўтказилаётган тадбирлардан бири кам та-минланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзанд-ларининг хатна тўйига бағишланди.

21 нафар болажонга зар-боф тўнлар кийдирилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар бир бола номига 20 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаси топширилди.

— Ҳамжўхлатлик бор жой-да эзгулик уруғлари униб чиқаверади, — деди тадбир ташкилотчиларидан бири

«Нуроний» жамғармаси раи-си Раҳматулла Душаев. — Бугунги шўдиёна ватанимиз келажагини таъминлайдиган бебўбор қалблар хотираси-да бир умр сақланиб қоли-ши шўбҳасиз. Биз эса му-носиб фарзандлар камоло-ти учун ҳамиша масъулимиз.

Саида РАҲМОНОВА.

Ангрен шаҳридаги 33-мактаб ўқувчиси Анастасия Ҳегай Тошкент вилоятидаги русий забон мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўрта-сида «Рус тили ва адабиёти» фани-дан ўтказилган «Рус тили олами» кўрик-танлови ғолиби бўлди.

АНАСТАСИЯ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Иккинчи ўринни Чиноз шаҳар 2-мак-таб ўқувчиси Алина Ярулова эгаллаган бўлса, Ангрен шаҳар 33-мактаб ўқувчиси Ольга Ребенченко учинчи ўринга сазовор бўлди. Шўнингдек, танловда «Фикрлаш мантиқи учун», «Энг яхши уй вазифаси», «Энг яхши нотиқ» ва «Зийраклиги учун» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқ-ланди.

Кўрик-танловда биринчи ўринга сазо-вор бўлган А. Ҳегай Россия олий ўқув юрт-ларидан бирига имтиҳонларсиз кириш ва беғул ўқш имкониятини қўлга киритди.

Танловдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида рус тили ва адабиётига қизиқшини янада кўчатириш, шўнингдек, Тошкент вилоятида таълим олаётган икти-дорли ўқувчиларни аниқлашдан иборат эди.

«Туркистон-пресс».



дан ўйиб ишланган турли учнармадчилик буюмлари, фотоусталарнинг суратлари-дан ташкил топган ажойиб кўргазмаларни марок билан томоша қилдилар. Турли тил-ларда янграган куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

Тантанали маросим қат-нашчилари ва меҳмонлар кўтаринки руҳ, хўш кайфият билан мириқиб ҳордиқ чи-қардилар.

Самад Йўлдош.

СУРАТЛАРДА:

тантанали маросим пайти. Даврон АҲМАД олган суратлар.

МУНОСИБ
ИШТИРОК
ЭТИШДИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросига мувофиқ ноғирон ўсмирларни спортнинг тегишли турларига кенгрок жалб этиш мақсадида ўтказилган халқаро махсус олимпия ўйинлари низоёсига етди.

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган ўзига хос спорт мусобақаларини ташкил этишда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ташқи ишлар вазирликлари, Миллий олимпия кўмитаси, «Меҳр нури» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан бир қаторда «Спейшл Олимпикс» халқаро ташкилоти ҳамкорлик қилди.

Польша, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби ўнга яқин мамлакатлардаги махсус ўқув даргоҳлари тарбияланувчилари қаторида юртимизнинг барча ҳудудларидан келган 300 нафар иштирокчи ўсмирлар муваффақиятли катнашдилар.

Вилотимиз жамоаси спортнинг бадминтон ва қизлар ўртасида минифутбол турлари бўйича беллашувларга киришиб, 1 та олтин, 1 та бронза медалларини қўлга киритишди. Айниқса, Чирчиқ шаҳридаги 25-махсус мактаб тарбияланувчилари мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганликлари билан намояндалар.

Вилот ҳокимлигида мажмуа халқаро мусобақада муносиб иштирок этган жамоамиз ва мураббийларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вакилларимизга ҳокимлик фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Қўмондон-штаб ўқув машқлари
ҲАЁТ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Дунёнинг у ёки бу чеккасида табиий офатлар, қўлаб фалокат ва ҳалокатлар содир бўлганлиги ҳақида ойнаи жаҳон орқали кўриб-эшитиб бораёмиз. Бу ноҳус ҳодисалар оқибатида турли вайронгарчиликлар юз бериб, минг-минглаб инсонлар тақдири хавф остида қолмоқда. Афсуски, жабрланувчилар фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни амалга оширолмай, қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар.

Бу каби ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш, фалокат юз берган тақдирда эҳдилик билан уни бартараф этиш борасида вилотимизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилот фавқулодда вазиятлар бошқармаси жойларда фалокатларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этишга оид қўмондон-штаб ўқув машқларини ўтказиб келмоқда.

Ана шундай ўқув-машқлардан бири Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Икки кун давомида «Бошқарув органилари ва фавқулодда вазиятларда давлат тузилмалари ҳудудий қўйи тизими тузилмаларининг бўғинларини техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати» дастури асосида турт босқичдан иборат ўқув машқлари бажарилди.



Дастлабки босқичда бошқарув пунктида раҳбарларнинг йиғилиши, вазиятни етказиш ҳамда муҳим чора-тадбирларни белгилаш вазифалари ўтaldi. Кейинги босқичларда бевосита амалий ҳаракатларга киришилди. «Электркимёсанот» очик акциядорлик жамиятида авария «содир» бўлганда аммиак оқибатини тўхатиш, қидирув-қутқарув ишлари, «жароҳатланган»ларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда тиклаш-таъмирлаш ишлари ташкил этилди. Ишчи-хизматчилар, ўқувчилар ва аҳоли хавфсиз жойларга қочирилиб, яшаш шароитлари яратилди. Чирчиқ авиа-



тикаш-таъмирлаш ишлари, шаҳар мактаб ва коллежларида «Фуқаро муҳофазаси кўни» тадбирлари, санитар дружинчиларининг мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш махсус отрядининг кўргазмали машқлари ташкил этилди.

Ўқув-машқларининг якунида шаҳар бошқарув идоралари ва фавқулодда вазиятлар давлат тузилмалари ҳудудий тизими бўғинлари техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатларга тайёр деб баҳоланди.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

қўмондон-штаб ўқув машқларидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Дил изҳори

МУСТАҚИЛЛИК
МЕВАСИ

Ҳаётимиз ўзгариб борапти. Бу, айниқса, таълим соҳасида тобора яққол кўзга ташланаяпти. Таълим-тарбия жараёнида халқимизнинг азалий қадриятлари ва анъаналари янги таълим технологиялари билан уйғунлашиб, баркамол янги авлод тарбиясига тобора самарали баҳамол қилинмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи, обрў-эътибори ортаётганлиги қалбларимизни гурурга тўлдирди.

Билимдон, салоҳиятли ёшларимизнинг ҳар жабҳада эришяётган оламшумул ютуқларини бүгун ким билмайди? Биргина спорт соҳасидаги улкан муваффақиятларимизнинг ўзбек юртимиз доғруғини жаҳонга кенг таратмоқда. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, энг оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни ҳозир ким танимайди дейсиз?

Мен Рустам Қосимжоновдек ўқувчим борлигидан доимо фахрланиб юрман. Шу маънода юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларида ҳар бир ватандошимнинг муносиб

ҳиссаси борлигидан қувонаман. Ҳозирги кунда Юртошимиз томонидан ёшлар тарбиясига кўрсатилаётган катта эътибор, яратилаётган имкониятлар туфайли дунё кўриб, Ўзбекистонини жаҳонга машҳур қилаётган иқтидорли, юксак салоҳиятли баркамол авлод етиштириш чарқалари ҳақида кўриб, гувоҳи бўлмоқда. Қаламга буюк давлат — Ўзбекистонимиз вакиллари ҳали кўпал соҳаларда оламшумул натижаларни қўлга киритишлари шубҳасиз. Бунинг учун янги авлод ўз иқтидорини, билимини ва қобилиятини аямаслигига ишончим қомил.

Маърифат ДИМЕТОВА,
А. Авлоний номидаги
малака ошириш
институтининг илмий
тадқиқотчиси.

Болалар ёзу — 2007

Мактаб ўқувчиларининг ёз мавсумида кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун вилотимизда қизгин тайёргарлик бормоқда.

БАРЧАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Жумладан, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Тонг» болалар оромгоҳида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш масалаларига бағишланган семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Асосий эътибор ёз мавсумига тайёргарлик жараёнида ҳамда уни кўнгилли ўтказиш масалаларига қаратилди.

Дойимий комиссия аъзолари, касбаба уюшмалари, оромгоҳлари бор ташкилот ҳамда қўшма раислари, шаҳардан ташқари оромгоҳлар бошликлари иштирок этган бу семинарни касбаба уюшмалари вилот ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Мухайёр Тулаганов олиб борди.

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида 22 минг 350 болани оромгоҳда дам олдириш кўзда тутилган. Уларнинг 270 нафари меҳрибонлик уйлари, мактаб-интер-

натлар тарбияланувчилари бўлса, 360 нафари кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари бўлиб, бепул дам олдирилади. Шунингдек, бу мавсумда Хоразм вилоти болаларидан 1000 нафари вилот қорхона-ташкilotларига қарашли оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Бу мақсадларга 822,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Хасан ЖҲҲАЕВ.

ЯНА БИР ЖУРНАЛ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги яна бир нашр «Инфокоммуникация: Тармоқлар. Технологиялар. Ёчимлар» деб номланган илмий-техник журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази муассислигида ташкил этилган ушбу нашр ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқасини ривожлантириш муаммолари, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатиладиган янги хизмат турларини, жорий этиш масалаларини ёритди.

Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади. Таҳририят етакчи илмий муассасалар ва ҳорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

«Инфокоммуникация: Тармоқлар. Технологиялар. Ёчимлар» журналининг йилга тўрт марта чоп этилади. У 2008 йилдан бошлаб, обуна бўйича тарқатилди ва чакана савдо шохобчаларида сотилади.

Ўза.

Олий таълим манзиллари

Кейинги йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда бу касб эгаларини тайёрлайдиган институт борлигини эшитиб, унда таҳсил олишга бўлган иштиёқим янада ортмоқда. Ҳурматли таҳририят, шу билим даргоҳи ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

Иброҳим ШАРОФХОНОВ,
Бўқа тумани, Қорақўйли қишлоғи.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА ИНСТИТУТ

Республикадаги қўлаб олий ўқув юртиларининг мақоми, таркибий тузилиши бозор иқтисодиёти талабларига мослаштирилмоқда, бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни киритилмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва бозор муносабатларининг янада чуқурлаштирилиши туфайли олий таълим тизими олди-га янги вазибалар қўйилди.

Ислохотлар жараёнида институтимиз таълимнинг барча босқичларини ўзида муҳассамлаштирган замонавий олий ўқув юртига айланди. Унинг таркибиде иқтисодиёт ва менежмент, сервис ва туризм ҳамда банк-молия хизматлари факультетлари, магистратура бўлими, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази, шунингдек, 16 та кафедра факультетлари қўрилди.

Институтда иқтисодчи, сервис ва хизматлар бўйича, молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, туризм, маркетинг ва менежмент, туризм операторлик хизматларини ташкиллаштириш, туризм ва меҳмонхона хўжалиги, сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификатласи йўналишларида бакалаврлар, магистратура бўлимида эса, тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодчилар, консалтинг, лизинг ва баҳолаш хизматлари менежмент, иқтисодий таҳлил, молия, пул муомаласи ва кредит соҳалари мутахассислари тайёрланади.

Бизда 4 та иқтисодик — «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»,

«Молия, пул муомаласи ва кредит», «Маркетинг», «Менежмент» бўйича аспирантура факультетлари қўрилмоқда. Минтақа манфаатларига мос келадиган диссертацияларнинг ҳимояси юзасидан «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти» бўйича ихтисослашган кенгаш хизматлари бўлиб, у муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Таълимнинг узлуksизлигини таъминлаш мақсадида институт қошида 2 та академик лицей ва Республика бизнес мактаби ташкил этилган.

Институт замон талабларига мос келадиган моддий-техник базага эга. Унда 3 та йирик ўқув корпуси, етарли даражада замонавий жиҳозланган ўқув ва илмий лабораториялар мавжуд. Замонавий ахборот технологиялари базаси шаклланиб, компьютер синфлари бор. Барча компьютерлар институтнинг локал тармоғига уланган. Бу воситалар ўқув ва илмий ишларда компьютерлардан кенг фойдаланиш имконини беради. Барча кафедрадан интернет тармоғи билан боғлиқ. Институт шу тарихда дунё ахборот тизимига кириш имкониятига эга. Бу ерда барча талабаларга жавоб берадиган ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Унинг захирасида 200 мингдан ортиқ ўқув, илмий ва бадиий асарлар жамланган. Самарқанд шаҳри ва вилот туманларида унинг шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Улар нафақат талабалар ва профессорлар ўқитувчиларга, балки ушбу марказ шохобчалари жойлашган қишлоқлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Талабалар дарсдан ташқари вақтларидан самарали

фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Маънавий ва маданий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган иккита зал, йирик спорт саройи, ёнги спорт майдони, Самарқанд туманининг энг сўлим масканиде жойлашган «Миронкул» ёнги оромгоҳи шулар жумласидандир. Институтда 360 ўринга мўлжалланган талабалар ошонаси фаолият кўрсатмоқда. Узоқ вилотлардан келган талабалар учун 210 ўринли тураржой мавжуд.

Жамоа йирик илмий-педагогик салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда ҳорижадан тан олинган, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган қўлаб малакали профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқдалар. Машгулотларини 20 нафардан зиёд фан доктори ва профессорлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, 86 нафар фан номзоди ва доцент олиб бормоқда. Институтда иқтисод, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, маркетинг, молия, туризм ва сервис ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича йирик илмий мактаблар мавжуд, қўлаб фан номзодлари ва докторлари етишиб чиққан. Республика фан ва технологиялар марказининг грантлари, Халқаро грантлар асосида илмий-тадқиқотлар ва ўқув-услубий ишлар амалга оширилмоқда.

Институтда менежмент мактаби шаклланиб. Ушбу соҳа бўйича, ҳозирги кунда ўқитиш халқаро маркази фаолият олиб бормоқда. Хар йили менежмент муаммоларига бағишланган анъанавий халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказиб келинмоқ-

да. Марказда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш бўйича махсус курслар очилган. Илмий изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида бир қанча марказлар ташкил қилинган, улар қорхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш билан шугулланмоқдалар. Кафедраларнинг йирик қорхоналардаги филиалларида назария билан амалиёт уйғунлашиб кетган.

Иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, ушбу тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси институтимизнинг ривожланиш истиқболини белгилади ва масъулиятини анга олишиди. Институт моддий-техник ва интеллектуал салоҳиятини ушбу вазифаларни бажаришга сафарбар қилиш эндиликда институт кафедралари ва факультетларининг асосий вазифалари қаторига киритилган.

Бугунги кунда институт жамоаси 2007 йил қабулини катта тайёргарлик билан қарши олмақда, бўлғуси талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилаяпти.

Институт ректорати ва жамоаси республикаимизнинг вилотлари ёшларини институтда таҳсил олишга даъват этади.

И. УСМОНОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проректори, доцент.

М. ПАРДАЕВ,
«Статистика» кафедраси мудири, профессор.

Х. МУСАЕВ,
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, профессор.

Бир мактуб узуган

ЁШ ОИЛА ЭҲТИЁЖИ

Паркент тумани, Сўқоқ қишлоғи, С. Назаров кўчасидаги 11-уйда яшовчи Ҳалимжон Тожибоевдан келган мактубда шундай сатрлар бор:

— Мен оилада тўнғич фарзандман. 2004 йилда оила қурдим, фарзандли бўлдим. Бир ҳовлида ота-онам, укам, синглим билан яшаймиз. Укам ва синглимнинг кетма-кет бўйи етиб келаяпти. Табиийки, мен катта ўғил бўлганим учун алоҳида уй-жой қилиб, рўзгорни бўлак қилишим керак. Ҳозирги турган ҳолимиз кичкина демайман. Аммо уй қуришнинг имкони йўқ. Сабаби — уйимиз маҳалланинг юқори қисмида, яъни тоғ устида жойлашган.

Мактубда келтирилган далилларни ўрганиш мақсадида Сўқоқ қишлоғида бўлиб, аввал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Ҳасимов билан учрашдик.

— Тўғри, Ҳалимжон қишлоқ фуқаролар йиғинига ер участкаси сўраб мурожаат қилган, — деди у. — Биз унга вазиятни тушунтирганимиз. Бу йил ҳамда келаси йилда ер участкаси учун талабгорлар рўйхатида қарийб 200 киши навбатда турибди. Хар йили туман ҳокимининг қарори билан қишлоқдаги 100 га яқин эҳтиёжманд оилага ер берилади. Ҳалимжон ҳам 2007 йилда ер олувчилар рўйхатига киритилган.

Ер тақсимланаётган пайтда талабгорларнинг оиласидаги шароит маҳалалар вакилларидан ташкил топган комиссия муҳокамасига қўйилади. Чунки, қишлоғимизда 3 та,

хатто, 4 та оила бир ҳовлида яшаётган хонадонлар бор. Ҳалимжон Тожибоевнинг оиласидаги шароитни ҳам комиссия муҳокамасига қўямиз.

— Мен жараёни тезлаштириш мақсадида сизларга мактуб йўллаган эдим, — деди Ҳалимжон Тожибоев. — Чунки, ер олиб, уй-жой солиб, чиқиб кетганимизча, анча вақт ўтади. Бу орада укамни уйлантириш, синглимни эса турмушга узатишимиз керак. Биласиз, бу ҳам ўзига яраша харажатлар талаб қилади.

Ҳалимжон Тожибоевнинг юқоридаги мулоҳазаларини тинглар экан, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бу йил уларга албатта ер ажратишни ваъда қилди.

Шикоят мактубини ўрган эканмиз, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

Атроф қиялиги тошлардан иборат. Бунинг устига транспорт чиқа олмайди. Бирор қурилиш ашёси ёхуд бошқа оғирроқ буюм олиб келсак, ўзимиз кўтариб чиқамиз ёки эшак, от қучидан фойдаланамиз. Қиш кунлари йўлдан чиқиб-тушишга ҳам қийналамиз.

Қисқасини айтганда, оиламиздаги уйга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, ер участкаси беришларини сўраб 2005 йил Сўқоқ ширкат хўжалиги раҳбарига ариза берган эдим. Аммо турли боҳоналар билан ер беришмади. Сўқоқ фуқаролар йиғини раисига мурожаатим ҳам бесамад бўлди...

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар Ҳалимжон Тожибоев сингари уй-жойга эҳтиёжманд янги оилалар учун нечоғли аҳамиятли эканлигини ҳис этдик.

Фармонда айтилганидек, ёш оилаларни ўз уй-жойларига эга бўлишлари, ижарага олишлари, таъмирлашлари ва бошқа муаммоларни ҳал этишда муассадди ташкилотлар, айниқса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларидан тортиб, ҳокимликларга ҳам масъулиги таъкидланган. Ўйлашимизки, Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари ер участкаларини тақсимлаш ва ёш оилалар билан боғлиқ бошқа муаммоларни Фармонда белгиланган тартибда ижобий ҳал этадилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

МАРКАЗНИНГ
ФАОЛ ЁШЛАРИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»да ёшларнинг бўш вақтларини фойдали машгулотлар билан ўтказишлари мўлжалланган ўнга яқин тўғараклар фаолият юритмоқда.

— «Компьютер саводхонлиги», «Миллий ғоя тарғиботи», «Ёшлар ва оммавий ахборот воситалари», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Ёш оила» каби тўғаракларнинг фаол аъзолари бугунга келиб минг нафардан ошди, — дейди кенгаш раиси Холбунисо Пулатова. — Улар бу ерда ўзларини қизиқтирган касб йўналишлари доирасида ҳам истеъдодларини синовдан ўтказишади.

Мунаввара РАҲАБОВАЕВА.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби» Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи	Паркент тумани Қуёш қишлоқ фуқаролар йиғини

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида 2005 йил 28 мартдаги 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низоимнинг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим му-

ассаса директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг касб-ҳунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Чирчиқ ижтимоий иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи;

2. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Охангорон тумани Нуробод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи;

2. Қўйраб академик лицейи.

III. Танловда олий таълим, касб-ҳунар таълими педагогик иш стажига эга, таълим маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилотида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);

3. Таълим муассасаси директорининг тавсияно-

маси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 28	СЕШАНБА 29	ЧОРШАНБА 30	ПАЙШАНБА 31	ЖУМА 1	ШАНБА 2	ЯКШАНБА 3
O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Тахлилнома». 8.45, 10.50, 13.00, 14.15, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс. 8.50, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 9.00 «Фобия». 9.50 «Қизил гул». М/ф. 10.30, 00.15 «Одами эрсанг». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 11.10 «Самарқанд – 2750». 11.15 «Регистон». 11.30 «Шахсий фикр». 12.05, 4.55 «Минг бир ривоят». 12.10, 13.05 «Алла». Спектакль. 14.20 «Қусто командасининг сувошти саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Батанпарвар». 16.20 «Миллий силари». 16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар». 17.20, 23.55 «Қандай гўзал бу дунё». 17.35, 2.00 «Марғилон – 2000». 17.40 «Аёл ва жаҳият». 18.00 «Оҳанглар оғушида». 18.10 «Илмга баҳида умр». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 21.40, 00.35 «Муқаддас қадамжолар». 22.00 «Икки тақдир». Т/с. 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.35 Тунги наволар. 1.40 «Чемпион силари». 2.05 «Ўғри қонинг». Спектакль. 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.40 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 10.15, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 17.40, 20.00, 21.35, 22.45, 23.55, 3.10, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «23.5 даража бурчак остида». 9.15 «Уйла, Изла, Топ!». 9.50 «Қундуз амакининг қиссини қиссалади». М/с. 10.30 «Илмга баҳида умр». 10.50 «Молия ва банк хабарлари». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 11.55, 00.50 «Самарқанд – 2750». 12.10 «Бурмилла баҳор». 12.15 «Рангин дунё». 12.35 «КиноТабир». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Т/с. 14.20 «Қусто командасининг сувошти саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Оддий ҳақиқатлар». 16.05 «Аёл ва жаҳият». 16.25 «Миллий силари». 16.45 «Эртақлар – яхшиликка етаклар». 17.25 ИИВ хабарлари. 17.45 «Марғилон – 2000». 17.50 «Худудлар ҳаёти». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Агар Ой». 18.35 «Сизнинг адвокатингиз». 18.40 «Ошин». 19.10 «Банк ва миқоз». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 «Қишлоқ ҳаёти». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.40 Тунги наволар. 24.00 «KINOMANIYA». 00.30 «Истеъдод». 1.40 «Янги кун». 2.40 «Бойсун». 3.15 «Нам ва наво». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 4.55 «Минг бир ривоят». 5.45 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 3.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.45 «23.5 даража бурчак остида». 9.10 «Олтин тож». 9.50 «Қундуз амакининг қиссини қиссалади». М/с. 10.05 «Муқаддас даргоҳ». 10.25 ИИВ хабарлари. 10.40 «Банк ва миқоз». 10.50 «Сизнинг адвокатингиз». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 11.55, 3.10 «Самарқанд – 2750». 12.10 «Дирим табиати». 12.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор». 12.40 «Одмлардан бири». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Т/с. 14.20 «Қусто командасининг сувошти саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Оддий ҳақиқатлар». 16.10 «Меҳр кўзда». 16.30 «Сизнинг кутубхона». Эртақлар – яхшиликка етаклар». 17.25 «Эркин иқтисодиёт». 17.45, 4.35 «Икки дарё оралиғида». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор». 18.35, 23.55 «Марғилон-2000». 18.40 «Ошин». 19.15 «Бизнинг янгиликлар». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 Эркин мавзу. 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.35 Тунги наволар. 24.00 «Ўғри гул». Ракс-спектакль. 00.35 «Бир улка-ки». 1.40 «Янги кун». 2.40 «Ватанпарвар». 3.40 «Мисли гахвар». 4.55 «Минг бир ривоят». 5.40 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40 «23.5 даража бурчак остида». 9.05 «Қундуз амакининг қиссини қиссалади». 9.45 «Икки дарё оралиғида». 10.05 Т. Жалилов номидаги халқ чоғулағи Давлат академик оркестрининг концерти. 10.45 «Ҳаёт манзаралари». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 11.55, 3.10 «Самарқанд – 2750». 12.10 «Дирим табиати». 12.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор». 12.40 «Қишлоқ ҳаёти». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Т/с. 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 14.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Учинчи истак». Видеофильм. 15.50 «Илқоният». 16.10 «Саломат бўлинг!». 16.30 «Болалар дунёси». Эртақлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Шифокор қабулида». 17.45, 4.35 «Икки дарё оралиғида». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Марғилон-2000». 18.20 «Бир жиноят изидан». 18.40 «Ошин». 19.10 «Сизнинг адвокатингиз». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 «Одмлардан бири». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.35 Тунги наволар. 23.55 «Ўзбекистон ёшлири – Бельгияда». 1.35 «Янги кун». 2.35 «Дунё таомлари». 2.55 «Шарқ тароналари». 3.35 «Хива». 3.50 «Марғилон – 2000». 4.55 «Минг бир ривоят». 5.45 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.55, 11.10, 13.00, 14.15, 15.45, 17.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Шум бола». «Ажойиб саҳна». Фильм-концерт. 9.30, 10.00, 15.20, 15.50 «Ўзбекистоннинг саргузаштлари». 10.25, 4.35 «Икки дарё оралиғида». 10.45 «Молия ва банк хабарлари». 10.50 «Сизнинг адвокатингиз». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 11.55 «Самарқанд – 2750». 12.10 «Саломат бўлинг!». 12.20 «Одмлардан бири». 12.40 «Қишлоқ ҳаёти». 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Т/с. 13.45 «Зилло». 14.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Озод юрт болалари». 16.15 «Марғилон – 2000». 16.20 «Тарих кўзгиси». 16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Саломатлик» дастури. 17.40 «Рангин дунё». 17.50 «Одами эрсанг». 18.20 «Минг бир ривоят». 18.25 «Ҳудуд сари». 18.45 «Ошин». 19.15 «Бизнинг янгиликлар». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 21.40 «Ҳаёт давом этади». Миржалол Қосимов. 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.40 Тунги наволар. 23.55 «Ўзбекистон ёшлири – Бельгияда». 1.35 «Янги кун». 2.35 «Дунё таомлари». 2.55 «Шарқ тароналари». 3.35 «Хива». 3.50 «Марғилон – 2000». 4.55 «Минг бир ривоят». 5.45 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.50, 10.55, 11.55, 13.00, 14.15, 17.15, 20.00, 21.35, 00.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Озод юрт болалари». «Қуза учун уй». М/ф. 10.30 «Саломатлик силари». 10.50 «Шарқ тароналари». 11.10 «Ҳаёт давом этади». 11.30 «Оила ришталари». Т/с. 12.10 «Хандалак». 12.40 «КиноТабир». 13.05, 14.15 «Эрли хотин». Б/ф. 15.20 «50/50». 16.10, 1.35 «Олтин тож». 16.45 «Ўзбекистоннинг саргузаштлари». 17.20 «Олтин бешик». 17.50 «Саломатлик силари». 18.10 «Оҳанглар оғушида». 18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи». 19.15 «Сугурта оламида». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 Самарқанднинг 2750 йиллигига. «Самарқандни қуйлайман». 22.40, 2.40 «CINEMA.UZ». 23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.15 «Оила силари». Б/ф. 00.35 Тунги наволар. 1.40 «Янги кун». 3.05 «Оҳанглар». 3.45 «Сулҳ заминим Зомин». 4.35 «Қўларим йўлида». 5.50 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Ахборот». 8.35, 10.25, 12.05, 14.10, 21.45, 00.25, 4.40 ТВ анонс. 8.40, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Озод юрт болалари». «Қуза учун уй». М/ф. 10.30 «Саломатлик силари». 10.50 «Шарқ тароналари». 11.10 «Ҳаёт давом этади». 11.30 «Оила ришталари». Т/с. 12.10 «Хандалак». 12.40 «КиноТабир». 13.05, 14.15 «Эрли хотин». Б/ф. 15.20 «50/50». 16.10, 1.35 «Олтин тож». 16.45 «Ўзбекистоннинг саргузаштлари». 17.20 «Олтин бешик». 17.50 «Саломатлик силари». 18.10 «Оҳанглар оғушида». 18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи». 19.15 «Сугурта оламида». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 Самарқанднинг 2750 йиллигига. «Самарқандни қуйлайман». 22.40, 2.40 «CINEMA.UZ». 23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.15 «Оила силари». Б/ф. 00.35 Тунги наволар. 1.40 «Янги кун». 3.05 «Оҳанглар». 3.45 «Сулҳ заминим Зомин». 4.35 «Қўларим йўлида». 5.50 Тонгги наволар.
YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.40 Ўзлонлар. 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.35 «Ҳазал мулки». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Ватанпарвар». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Қадимги Искандария». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Нафосат олами». 16.20 «Малика – 2007». 16.30 «Ватанпарвар». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Тасвир ва таассурот». 20.10 «ЮКЕР» телекўрсаткичи. 20.20 «Ихтиёсий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат». 20.35 «Мафтуқор ва бетакорли». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.40 Ўзлонлар. 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.40 «Ҳазал мулки». 11.30 «Радиодан кўрсатамиз». 11.45 «Салом, таътилли». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Тилла тарихи-2». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Қонун иқроси». 16.20 «Пойтахтдан ўзоқроқда». 16.30 «Давр мавзуси». 16.45 «Ёшлар адабиёти». 17.00 «Ихтиёсий ҳимоя йили»га бағишланади: «Муруват». 17.10 «Таълим ва таракқиёт». 17.25 «Самарқанд – 2750 ёшда!». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «Спорти-лото». 20.20 «Автопатруль». 20.35 «Оқшом кўнжироклари». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 12.00, 13.15, 14.00, 16.15, 19.30 «Даврининг боласи». 9.10 «Попапон». 9.20 «Болалар давраси». 9.50, 10.15, 12.10, 12.55, 14.55 «Болаларнинг – олтин қон». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.40 «Ҳазал мулки». 11.30 «Радиодан кўрсатамиз». 11.45 «Салом, таътилли». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Тилла тарихи-2». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Истикбол тимсоллари». 16.20 «Автопатруль». 16.35 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.45 «Самарқанд – 2750 ёшда!». 16.50 «Меҳр солиқ гарови». 17.10 «Чемпион силари». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Бу шундай бўлган эди...». 20.10 «Урм йўли». 20.20 «Ўзлонлар». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 12.00, 13.15, 14.00, 16.15, 19.30 «Даврининг боласи». 9.10 «Попапон». 9.20 «Болалар давраси». 9.50, 10.15, 12.10, 12.55, 14.55 «Болаларнинг – олтин қон». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.40 «Ҳазал мулки». 11.30 «Радиодан кўрсатамиз». 11.45 «Салом, таътилли». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Тилла тарихи-2». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Истикбол тимсоллари». 16.20 «Автопатруль». 16.35 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.45 «Самарқанд – 2750 ёшда!». 16.50 «Меҳр солиқ гарови». 17.10 «Чемпион силари». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Бу шундай бўлган эди...». 20.10 «Урм йўли». 20.20 «Ўзлонлар». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 12.00, 13.15, 14.00, 16.15, 19.30 «Даврининг боласи». 9.10 «Попапон». 9.20 «Болалар давраси». 9.50, 10.15, 12.10, 12.55, 14.55 «Болаларнинг – олтин қон». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.40 «Ҳазал мулки». 11.30 «Радиодан кўрсатамиз». 11.45 «Салом, таътилли». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Тилла тарихи-2». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Истикбол тимсоллари». 16.20 «Автопатруль». 16.35 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.45 «Самарқанд – 2750 ёшда!». 16.50 «Меҳр солиқ гарови». 17.10 «Чемпион силари». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Бу шундай бўлган эди...». 20.10 «Урм йўли». 20.20 «Ўзлонлар». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 12.00, 13.15, 14.00, 16.15, 19.30 «Даврининг боласи». 9.10 «Попапон». 9.20 «Болалар давраси». 9.50, 10.15, 12.10, 12.55, 14.55 «Болаларнинг – олтин қон». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним!». 10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?». 11.10, 18.40 «Ҳазал мулки». 11.30 «Радиодан кўрсатамиз». 11.45 «Салом, таътилли». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Тилла тарихи-2». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Истикбол тимсоллари». 16.20 «Автопатруль». 16.35 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.45 «Самарқанд – 2750 ёшда!». 16.50 «Меҳр солиқ гарови». 17.10 «Чемпион силари». 17.30 «Муъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Бу шундай бўлган эди...». 20.10 «Урм йўли». 20.20 «Ўзлонлар». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с.	
TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 9.55, 11.00, 11.50, 18.25, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Ғадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Аёл қалби». 9.50, 11.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.00 «Мулоҳаза учун мавзу». 10.30, 19.30 «Музыка SMS». 10.50, 20.50 «Илқоният». 11.05 «Будьте здоровы». 11.15 «Всё о туризме». 11.55 Кино «Громовой». 17.55 М/ф «Шумтақалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химия». 20.20 Мир животных: «Охота на охотника». 21.00 «Жозоба». 22.10 «По залам Музея истории Узбекистана». 22.50 Кино «Великолепный».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 9.45, 10.45, 18.25, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Ғадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Аёл қалби». 9.50, 11.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55 «Юртим жамоли». 10.10 «Интервью». 10.20, 19.30 «Музыка SMS». 10.50 Кино «Медальон». 10.55 Кино «Великолепный». 17.55 М/ф «Шумтақалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химия». 20.20 Мир животных: «Рыбаки». 21.00 «Жозоба». 22.10 «Юртим жамоли». 22.50 Кино «Медальон».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 9.45, 10.45, 18.25, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18				

